O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 29-YANVAR ■ PAYSHANBA ■ 12 (27.187) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

28 январь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Роберт Пурнелл ишонч ёрлиғини топширди.



Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Томонлар Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида АҚШга расмий ташрифи чоғида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларацияга мувофиқ барча соҳаларда алоқаларни ривожлантириб келмоқда.

АҚШ Ўзбекистоннинг, айниқса, халқаро терроризмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Бу йўналишдаги ҳамкорлик ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқаларни кенгайтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

АҚШ маъмурияти ва қонун чиқарувчи олий органлари Ўзбекистонни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларни ишга солишга қарор қилган. Ўзбекистонда бу юксак қадрланади.

Мамлакатларимиз бозор ислоҳотлари ва демократияни мустаҳкамлашда ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президент Ислом Каримов элчи билан суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир қатор масалалар, халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди. Ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди ва Ж.Пурнеллга дипломатик фаолиятида муваффақият тилади.

АҚШ элчиси ўзаро алоқалар жуда яхши ривожланиб келаётганини мамнуният билан таъкидлар экан, хайрли ишларнинг давомчиси бўлиш ўзи учун катта шараф эканлигини қайд этди.

**(ЎзА)**

**Суратда:** ишонч ёрлиғини топшириш пайти.

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

# «МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, кам таъминланган тоифа ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Меҳр ва мурувват йили» дастури тасдиқлансин.

Дастурда белгиланган чора-тадбирлар:

— давлат идоралари ва жамоат тузилмаларининг маблағ ва имкониятларини, корхона ва ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳомийлик ёрдамларини кам таъминланган оилалар, ногиронларни, боқувчисидан жудо бўлган фуқаролар ва ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жалб этишга;

— жамият ҳаётининг асосий бўғини бўлган оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, жумладан, янги иш ўринларини яратиш, аҳолига тиббий, савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича аниқ режаларни амалга оширишга;

— юртдошларимизни меҳрибонлик ва эзгулик руҳида тарбиялаш, замон талабларига жавоб берадиган қадимий анъана ва қадриятларимизни ҳаётимизга янада чуқурроқ сингдириш, бундай интилиш ва ҳаракатларни оммавий ахборот воситалари, жойлардаги маънавий-маърифий тадбирлар орқали кенг тарғиб қилишга йўналтирилгани маъқуллансин.

2. «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида, тегишли идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг бажарилишини муҳокама қилиб, зарур чора-тадбирлар кўриб борсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг бажарилиши натижалари тўғрисидаги таҳлилий маълумотни кейинги ойнинг 7-кунигача республика комиссиясига тақдим этсин.

4. Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига аҳоли ўртасида «Меҳр ва мурувват йили» дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 январь

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА

# ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2004 йил мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди ҳамда бу борадаги асосий мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Юртбошимиз Фармойиши билан тузилган «Меҳр ва мурувват йили» дастурини тайёрлаш бўйича республика комиссияси йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Ушбу дастур аввалги йилларда қабул қилинган «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Қарияларни қадрлаш йили» ва «Обод маҳалла йили» дастурларининг мантиқий давомидир.

Унинг асосий маъно-мазмуни халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган ҳолда, давлат ва жамиятнинг инсонга бўлган муносабат ва эътиборини янада кучайтиришдан иборат.

Дастур устувор масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, муҳтож бўлган, кам таъминланган тоифалар, оила ва инсонларга кўмак бериш, бу борадаги ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш;

ногиронларга, қаровчисиз қолган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга, ёлғиз кексаларга ёрдам ва кўмак бериш;

(Давоми 2-бетда.)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**С.Т.Иномовани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида**

Светлана Турсуновна Иномова Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2004 йил 28 январь

# ҚАДИМИЙ ШАҲАРНИНГ ЯШИЛ БЕЛБОҒИ

**Замин сайқали — Самарқандни чор атрофдан ўраб турган боғ-роғлар яна асл ҳолига қайтмоқда**

Қадимда ҳам, ҳозир ҳам Самарқанд шаҳри бозорларини шу туман деҳқонлари ва соҳибкорлари обод қилиб турганлиги бор гап. Зеро, туманнинг «Самарқанднинг яшил белбоғи» деб ном олиши ҳам узоқ тарихга бориб тақалади.

Темурийлар даврида барпо этилган боғларнинг асосий қисми шу туман заминида жойлашган. «Боғи нақши жаҳон» олмаси-ю Боғибаланд анжирининг довруғи етти иқлимга достон. Боғизағон, Боғиферуз боғлари ўзи бир дунё.

— Афсуски, узоқ йиллар ҳукм сурган тоталитар тузум барча соҳалар каби шундай жаннатмакон жойларга ҳам салбий таъсир ўтказди, — дейди туман ҳокими Баҳодир Саъдуллаев. — Мустақиллик йилларида кўҳна боғларни тиклашга киришилди. Тарихий ҳужжатларда қайд этилган мевали-манзарали дарахт навларининг ниҳоллари олис-олислардан бўлса-да, келтириб экилди. Алишер Навоий, Улуғбек, Шароф Рашидов номли янги-янги боғ-роғлар барпо этилди. Ҳадемай бу боғлар юртимизнинг дунёга машҳур шифобахш мевалари довруғини қайта тиклайди.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

**Газетамизнинг ўтган сонида «Нохолис ният» (2004 йил 27 январь) сарлавҳали мақола босилган эди. Унда Фарғона вилоятидаги Халқ банки Учкўприк филиали ходимлари томонидан омонатчиларнинг маблағларига хиёнат қилиш каби салбий ҳолатлар кўрсатиб ўтилди. Газета чиқишига республикамиздаги энг нуфузли Банк раҳбарияти дарҳол муносабат билдириб, таҳририятга ушбу жавоб хатини йўллади.**

# ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИ:

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2004 йил 27 январь сонида чоп этилган «Нохолис ният» номли мақолани муҳокама қилиб ҳамда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни умумлаштириб қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада кўрсатиб ўтилган салбий ҳолатлар 2003 йил апрель ойида Халқ банкининг ички назорат ходимлари томонидан аниқланган, мансабдор шахслар томонидан ноқонуний ўзлаштирилган маблағлар ўрнатилган тартибда ундирилиб, ўз эгаларига қайтарилган. Учкўприк филиалининг собиқ бошқарувчиси У.Каримов ва унинг шериклари қонун доирасида эгаллаб турган лавозимларидан озод этилиб, барча тегишли ҳужжатлар уларга нисбатан чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилган.

Ушбу салбий ҳолат ўз вақтида Халқ банкининг Фарғона вилоят филиалида чуқур муҳокама қилиниб, бундай ҳолатларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Халқ банки раҳбарияти ушбу йўналишда доимий назорат ўрнатган.

Халқ банки жисмоний шахсларга кўрсатилган хизмат тури кўлами ҳамда ҳукумат қарорлари асосида аҳолининг кам таъминланган қатламига ёрдам пули ва нафақаларни тарқатувчи ягона банк сифатида бошқа тижорат банкларидан тубдан ажралиб туради. Мақолада танқид қилинган филиалдаги нопок ходимларнинг хатти-ҳаракатлари Халқ банки нуфузига, аҳолининг унга бўлган ишончига путур етказмаслиги керак. Зеро, банкда омонатчилар сонининг ортиб бориши (мамлакатимизнинг ҳар 3 фуқаросидан бири банк омонатчисидир) ҳамда банк муассасаларида мужассамланган омонат қолдиғи республикамиз тижорат банкларидаги омонат қолдиғининг салмоқли улушини ташкил этиб, ҳозир 44,0 млрд. сўмга яқинлашди. Булар, албатта Халқ банкида мижозларга яхши шароитлар яратиб берилаётганлиги ва бу борада амалга оширилаётган аниқ тадбирларнинг мевасидир.

**Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи**
**А. ҲАЙДАРОВ**

**Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи**

# ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯСИ СОҲИБЛАРИ

XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин.

Мамлакатимиз раҳбарининг бу сўзлари ёшларимизга қанот бўлиб, улар илм-фан чўққиларини забт этмоқдалар. Миллат шон-шуҳратини, буюк боболарга ворислик силсиласини мустаҳкамламоқдалар.

Олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичида таълим олаётган билимдон, истеъдодли ёшлардан бир гуруҳи ҳар йили Президент стипендиясига сазовор бўладилар.

Бу йилги совриндорлар орасида ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар йўналиши бўйича Тошкент давлат юридик институти III курс талабаси Аброржон Анорбоев ҳам бор.

У 1983 йилда туғилган. Тошкент шаҳридаги 49-мактабни 2000 йилда тамомлаган. Шундан сўнг ТДЮИнинг ҳуқуқшунослик таълим йўналишига ўқишга қабул қилинган.

Ёш ҳуқуқшуноснинг халқаро ҳуқуқ қирраларини қамраб олган «Демократия ва референдум», «Ўзбек парламенти: тараққиёт босқичлари, келажакка назар», «Япония парламенти» каби илмий асар ва мақолалари чоп этилган. Ушбу тадқиқотлар соҳанинг йирик мутахассислари томонидан юқори баҳоланган.

Аброржон 2002 йилдан «Экосан» ёшлар уюшмаси раиси, ёшлар экопарламенти спикери, Тошкент шаҳар ҳуқуқшунос талабалар жамиятининг аъзоси. У АҚШ давлат департаменти ва бир қатор халқаро ташкилотларнинг махсус сертификатларини қўлга киритган.

Унинг келажак орзулари кўп. Устози «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» кафедраси мудири, юрдик фанлари доктори, профессор Зайниддин Исломов илмий раҳбарлигида «Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги муаммолари» мавзуида тадқиқот олиб бормоқда.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**



*Шавкат АКРАМОВ олган сурат*

**ХДП хабари**

2004 йил 27 январь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин қабул қилинди. Марказий Кенгаш биринчи котиби Аслиддин Рустамов меҳмонга Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар, бу соҳаларда амалга оширилаётган самарали ислоҳотлар

# ЭЛЧИ ТАШРИФИ

ҳақида гапириб берар экан, Ўзбекистон ХДПнинг бу жараёнларда иштироки тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди. Ўз навбатида элчи жаноблари Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари, халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида гапирди.

Қабулда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Изидор Кочмарик ва Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Олег Невеляев иштирок этдилар.

**ЎзХДП МК матбуот хизмати**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

QUVAMEBEL
«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Хабарингиз борми?

# ШАМОЛДАН ТЕЗ «РЕГИСТОН»

## ТОШКЕНТ-САМАРҚАНД-ТОШКЕНТ ЙЎНАЛИШИ БЎЙЛАБ МУНТАЗАМ ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН ТЕЗЮРАР ЭЛЕКТР ПОЕЗДИДА ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛГАН



Маълумки, янги йил арафасида ушбу поезд қатновининг илк синов ҳаракати бўлиб ўтганди. Ўшанда унинг ҳафтада неча бор қатнаши-ю, чипта нархлари белгиланмаган эди. Энди эса ҳаммаси аниқ бўлди. Тезюрар электр поезди мунтазам қатнай бошлади. Эрталаб соат 6.50 да пойтахтимизнинг Марказий вокзалидан йўлга чиққан поезд роппа-роса 10.50 да Самарқанд вокзалига кириб боради. Кечқурун эса 17.00 да Самарқанд темир йўл шоҳбекатидан қўзғалиб, соат 21.00 да яна Тошкентга кириб келади.

Вагонларда яратилган қулайликлардан ўз таассуротлари билан ўртоқлашган йўловчилар сўзларига қулоқ тутинг:

**Бахтиёр Ҳамидов, халқаро продюсерлар марказининг бош продюсери:**

— Мен хизмат юзасидан қадимий шаҳарга кўп қатнайман. Илгари автобусда ёки бирон-бир киракаш машинада йўлга чиқардим. «Йўл азоби — гўр азоби», деган нақл бор: гоҳ машина бузилиб қолар, гоҳ бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда йўлда узоқ вақт тўхтаб туришга тўғри келарди. Хайрият, Самарқандга қатнайдиган тезюрар электр поезди ҳаракати бошланди. Замонавий вагон йўлаклари ёруғ, озода. Купеда эса бир-бирига рўпара қўйилган 6 кишилик яхлит суянчиқли юмшоқ креслолар. Ўртадаги стол устида қайноқ термос, пиёла, сочиқ, чой, қаҳва муҳайё. Пояндоз ўрнида гилам. Рангли телевизорларни айтмайсизми? Ана энди йўл юриш роҳат...

**Шариф Ҳожибоев, меҳнат фахрийси:**

— Самарқандга бориб ҳадис илмининг буюк намояндаси Исмоил ал Бухорий мақбарасини зиёрат қилишни орзу қилиб юрардим. Бугун ниятимга етдим. Мана, электр поездида Самарқандга етиб келдим. Ҳартанг қишлоғига бориб буюк аллома қабрини зиёрат қилдим. Бу қулайликдан қувонсанг, фахрлансанг арзийди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Иброҳим Ғафуров, Дамир Қурбонов, пенсионер онахон Назира Ортиқова, ўқитувчи Муҳайё Холдороваларнинг ҳам фикрлари шундай кечди.

**Мансур Ражабов, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ директори ўринбосари:**

— Ҳозир Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида бундай тезюрар электр поездлари фақат «Москва — Санкт-Петербург» йўналишида ва бизда қатнаб турибди. Янги, замонавий вагонларимизнинг ҳар бирида 2 нафардан вагон кузатувчиси бор. Улар россиялик шерикларимиз ёрдамида муомала маданиятини яхши ўзлаштиришган. Иш юритиш, хизмат кўрсатиш сирларини пухта эгаллашган.

***— Тезюрар поезд мамлакатимиз йўл транспорти хизматида «биринчи қалдирғоч». Келгусида бу тажриба қўл келиб, янги-янги йўналишлар ҳам очилса керак...***



— Албатта. Бу кўпроқ йўлсозларимизга боғлиқ. Улар замонавий темир йўлларни қуриб берса бас. Масалан, Буюк Ипак йўли бўйлаб бошқа ҳудудларга ҳам шундай йўналишлар ташкил этилса, нур устига аъло нур бўларди.

— Янги йўналишнинг йўлга қўйилиши биринчи навбатда Самарқанд шаҳри ва вилоят аҳолисига катта қулайлик туғдирди, — суҳбатга қўшилди **«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ Самарқанд филиали раҳбари Улуғбек Икромов.** — Баҳонада шоҳбекатимиз обод бўлди. Йўловчиларнинг янги кутиш зали фойдаланишга топширилди. Чиптахона ва ошхоналар қайта таъмирдан чиқарилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ раҳбарияти шоҳбекатимиз равнақи йўлида ғамхўрлик қилмоқда.

Ҳа, мамлакатимиз Истиқлолга эришгач барча соҳалардаги каби темир йўл тизимида ҳам иқтисодий ислоҳотлар жадал кетмоқда. Буни ер усти «метро»си деб таърифланаётган янги тезюрар поезд мисолида яққол кўриш мумкин. Бу ҳали бошланиши. Яқин келажакда у янада кўпаяди.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

# ТАҚИҚЛОВ БЕКОР ҚИЛИНМАДИ

Қурол-яроғ савдоси бўйича Хитойга нисбатан жорий этилган эмбаргони бекор қилиш масаласида Франция Европа Иттифоқига мурожаат этди. Бу ҳақда Брюсселда ўтган ЕИ ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги йиғилишидан сўнг Франция ташқи ишлар вазири Доминик де Вильпен журналистларга маълум қилди. Бироқ, дейилади Reuters агентлиги ахборотида, Франция таклифини Германия ва Испания қўллаб-қуватлаган бўлишига қарамай, Европа иттифоқининг бошқа давлатлари маъқулламади. «Савдо ва иқтисодий манфаатлар демократия ва инсон ҳуқуқларидан устун қўйилмаслиги лозим», дейишди улар.

Эмбарго 1989 йили Хитойдаги намойишлар шафқатсизларча бостирилгандан сўнг жорий этилган эди.

# БИТИМ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Судан ҳукумати ва Судан озодлиги халқ фронти қўзғолончилари ўртасида тузилган тинчлик келишувининг амал қилиш муддати яна бир ойга узайтирилди, дея хабар беради Le Monde агентлиги. Ўт очмаслик мажбуриятини юкловчи мазкур келишув 2002 йил октябрдан бери бир неча марта узайтирилди.

Энди томонлар тинчлик музокараларини бошлашга келишиб олдилар.

Экспертларнинг маълум қилишларича, 1983 йилдан бери ҳукумат ва қўзғолончилар ўртасида давом этаётган қуролли тўқнашувлар натижасида шу кунгача 1,5 миллионга яқин одам қурбон бўлган.

# ПРЕЗИДЕНТ ИМЗО ЧЕКДИ

Associated Press агентлиги хабар беришича, Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай мамлакатнинг Асосий қонуни — Конституцияга имзо чекди. Шу ҳафтадан бошлаб у кучга кирди.

Мазкур Конституция Лоя Жирға махсус ассамблеяси томонидан ишлаб чиқилган. Унга кўра, Афғонистон Президент бошқарувидаги Ислом давлати ҳисобланади. Мамлакат парламенти икки палаталидир. Судлар эса мустақил фаолият юритади.

# КАМИДА 40 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

Сиёсатчи-таҳлилчиларнинг ва Конгрессдагиларнинг айтишларича, АҚШ Президенти Жорж Буш лавозимга яна қайта сайланса, ҳарбий бюджетдан ташқари яна 40 миллиард доллар Ироқ ва Афғонистон учун сарфлаши мумкин. Кейинги ойда кўриб чиқиш учун Конгрессга жўнатиладиган ҳарбий бюджет лойиҳаси 400 миллиард долларни ташкил этади.

Таҳлилчиларнинг фикрича, Ироқ дастурини қўшимча молиялаш учун расмий талабнома шу йил охири ва келгуси йил бошларида тайёрланади.

Шу кунларда Бушнинг рақиблари Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар ва ундан кейинги даврдаги харажатлар АҚШ учун жуда қимматга (120 миллиард доллар) тушганлигини ва бунда Оқ уйнинг айби борлигини таъкидламоқдалар.

Лекин, дейилади Reuters ахборотида, АҚШга ким Президент бўлишидан қатъи назар Ироқ дастурини қўшимча молиялаш барибир амалга оширилади. Фақат ҳозирча сумма миқдори аниқ эмас. Агар Ироқдаги Америка контингенти 75000 кишигача қисқартирилса, дастур харажатлари сметаси 25 миллиард долларни ташкил этиши мумкин. Яна 15 миллиард доллар эса Афғонистондаги Америка контингенти учун йўналтирилиши тахмин қилинмоқда.

Ўтган йили Буш мудофаа учун Конгрессдан икки марта қўшимча маблағ ажратишни сўраган. Биринчи бор 79 миллиард, иккинчисида 87,5 миллиард доллар ажратилган. Бу маблағнинг маълум қисми Ироқ ва Афғонистон харажатларига сарфланган.

# ОҚСОҚОЛИНИ САЙЛАШ

## БАРЧАМИЗДАН БУ ИШДА ФАОЛ ҚАТНАШИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. БУНИНГ УЧУН УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ МУСТАҲКАМ БЎЛИШИ ЗАРУР

Яқинда бўлиб ўтган сайловлар натижаларига кўра маҳалла етакчилигига кўп жойларда аёллар , шунингдек, нисбатан ёш бўлган эркаклар сайланган. Уларга нисбатан «оқсоқол» сўзини қўллаш тўғримикан?!

5-модданинг иккинчи хатбошисининг сўнггидаги «воқиф» сўзини «хабардор» сўзи билан алмаштиришни таклиф этаман.

9-модданинг учинчи хатбошисига «сиёсий партиялар вакиллари» деб ҳам қўшиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

13-модда иккинчи хатбошисидаги «норма» сўзини «меъёр» сўзи билан алмаштириш маъқул, деб ўйлаймиз.

14-моддадаги «туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун» жумласи тушириб қолдирилса маҳалланинг мустақиллиги янада ошар эди.

**Чори ЛАТИПОВ, «Маҳалла» газетаси Бош муҳаррири:**

— Фикр-фикрни қўзғайди, дейдилар. Шу ерда айтилган баъзи фикрларга аниқлик киритиб кетишни хоҳлардик. Юқорида қонун лойиҳаси 4-моддасининг «доимий яшовчи» деган иборасига эътироз билдирилди. Агар фуқаро маълум жойда доимий яшаса, шу ердан рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Доимий яшамаса рўйхатдан ўчирилади. Бошқа маҳаллада яшаб, бошқа бир жойда рўйхатда турса, у ички қоидани бузиб яшаётган ҳисобланади. Демак, бундай олиб қараганда, доимий яшаш жойи ва доимий рўйхатда турган жойи деганда битта ҳолат тушунилади. Мазкур моддага қўшимча киритиш шарт эмас, деб ўйлайман.

Лойиҳа билан танишиб яна шуни англадимки, фуқаролар йиғини раислигига номзод кўрсатишнинг бошланғич нуқтаси аниқ кўрсатилмаган. Олий Мажлисга, маҳаллий Кенгашларига халқ депутатлари сайловларида тўплаган тажрибамиз бор-ку. Сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ўз номзодларини кўрсатади. Бу Қонунда ҳам номзод кўрсатиш ишларини аниқлаштириш керак, деб ўйлайман.

Яна бир масала. Икки ярим йилдан сўнг оқсоқолнинг ваколати тугайди. Кейинги сайловда унинг номзоди ўтмай қолди, дейлик. (Бу дегани у ўз вазифасини уддалай олмади, дегани эмас, албатта.) Энди у ишсиз қолади. Оқсоқолликдан олдин яхшигина жойда ишлагандир, азбаройи ишга киришиб кетганидан аввалги ишини ташлаб келгандир. Энди унинг аввалги лавозими сақланиши керакмикин ёки шу даражадаги бошқа иш билан таъминланиши керакмикин ёхуд оқсоқоллик муддатини узайтириш мақсадга мувофиқми? Хуллас, бу масалага ҳам Қонунда ойдинлик киритиб кетилса, ёмон бўлмасди.

**Руфат РАЗЗОҚОВ, ЎзХДП МК Экспертлар гуруҳи аъзоси, профессор:**

— Қонун лойиҳасида «маҳалла» сўзига изоҳ бериб кетилса, шундан сўнг маҳалла раиси, деб ишлатаверишимиз мумкин.

Юқорида маҳалла оқсоқолининг 44 та вазифаси борлиги айтилди. Улар аниқлаштирилиб, Қонунда акс эттирилса, маслаҳатчиларнинг ҳам вазифалари, масъулияти аниқ баён этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, маслаҳатни бериш осон, уни амалга ошириш мутлақо бошқа иш.

Маҳалла ишлаб чиқарувчи ёки куч ишлатувчи, тазйиқ ўтказувчи ташкилот эмас. У тавсия берувчи, фуқароларга ҳар доим тўғри йўл-йўриқ кўрсатувчи ташкилот. Шунинг учун умумий қоидалардан бирида буни ҳам акс эттириш лозим, деб ўйлайман. Оқсоқолликка икки мартадан ортиқ сайланмаслик масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак.

**Владимир АБДУЛЛАЕВ, ЎзХДП МК масъул ходими:**

— Лойиҳа 11-моддасининг иккинчи хатбошисидаги «қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг тегишли ҳудудда» жумласи ўрнига «шу маҳаллада доимий истиқомат қилувчи фуқаролар ва шу ҳудудда жойлашган» жумласини киритишни таклиф этаман.

15-модда биринчи хатбошиси охиридаги «обрў-эътиборга эга» жумласидан сўнг «ва маҳалла ҳаётида фаол қатнашаётган, ташаббускор, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида ишлашга қодир» жумласи қўшилса, ёмон бўлмасди.

17-моддадан сўнг қўшимча модда тариқасида «Фуқаролар йиғини», деб номланган мазкур моддани қўшишни таклиф этаман: «Фуқароларнинг йиғилиши фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда вакилларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир».

**Акмал САИДОВ, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси:**

— Мен, аввало, шу Қонуннинг яратилиши тарихи хусусида икки оғиз гапирмоқчиман.

Ушбу Қонунни яратиш ташаббускори Юртбошимиздир. Шу вақтгача худди шундай қонунга жамиятимизнинг эҳтиёжи бор эди-ю, лекин у бугунгидек шаклу шамойил касб этмаган эди. Барча вакиллик органларига сайловлар тўғрисида қонун бору, мамлакатда энг кўп, кенг кўламли сайловлар бўйича қонун йўқ. Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтган шундай сайловларда ўн икки миллион одам қатнашди, юз мингдан ортиқ киши сўзга чиқди, саккиз мингдан ортиқ оқсоқол, саксон минг маслаҳатчи сайланди. Демак, бундай сайловларнинг ўтказилиши албатта, қонуний бўлиши керак. Биз кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтаяпмиз. Маҳаллани фуқаролик жамиятининг ўзаги деб айтсак бўлади. Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамияти учун маҳалладан юқорироқ, ундан устун турадиган институт йўқ. Маҳалла ўзбек жамиятининг миллий демократик институтидир. Агар мендан демократия қаерда деб сўраса, мен маҳаллада деб жавоб берган бўлар эдим. Ўзбекона демократиянинг тимсоли бу — маҳалла. Шунинг учун Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ҳуқуқий, балки чуқур маънавий, сиёсий, тарихий томонларини ўйлаб, шу Қонунни қабул қилиш таклифини бердилар. Шундан сўнг биз Олий Мажлисда ишчи гуруҳини туздик. Лойиҳа устида бу гуруҳ кўп ишлади, муҳокамалар бўлди. Олий Мажлиснинг XIII сессиясида Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди. Кўпчилик, айниқса оқсоқолларимиз, маҳалла фаолларидан шу қонунни бойитадиган, янада демократлаштирадиган, таклифлар тушади, деган умидда уни умумхалқ муҳокамасига чиқардик. Энди биз бу Қонунни ўтган сайловлар тажрибасига таяниб, қанчалик мукаммал ишласак, қонун орқали камчиликларнинг олдини олсак, у янада такомиллашади.

Бугун Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилингандан сўнг қўмитамиздан ташқарида биринчи маротаба юқори савияда, профессионал муҳокама биринчи бор ўтаяпти. Ҳозирнинг ўзида қирққа яқин таклиф тушди. Албатта, бу таклифларнинг ҳар бири диққатга сазовор. Муҳокама давомида ҳатто бир кишининг фикрини иккинчи киши рад қилган ҳолатлар ҳам бўлди. Бу жуда яхши. Шундай муҳокамалардан сўнггина Қонун лойиҳаси мукаммал тус олиши мумкин.

Бу ерда киритилган ҳеч бир таклиф эътибордан четда қолмайди. Уларнинг ҳар бирини атрофлича ўрганиб, тарозига қўйиб, муҳокама қилиб, арзийдиганларини лойиҳага киритишга ҳаракат қиламиз.

**«Давра суҳбати»да ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси И.Кочмарик, республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Н.Абдуллаев иштирок этдилар.**

**Беҳзод ШУКУРОВ ва Ҳусниддин БЕРДИЕВ ёзиб олдилар**

Шарҳ

# РОССИЯДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: НОМЗОД ТАНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Россияда президент сайловига бир ойдан кўпроқ вақт қолди. Асосий номзодлар деярли аниқланди.

Ўтказилаётган сўровларга қараганда, Владимир Путин сайловда 70 фоиздан ортиқ овоз олиши мумкин. Путин ўтган президентлик муддати мобайнида халқнинг ишончини қозонганлиги кўриниб турибди. Сайловда яна Путин ғолиб чиқишига ҳеч ким шубҳа қилаётгани йўқ. Ҳатто, мамлакат сиёсий ҳаётида ўз ўрни бўлган партияларнинг етакчилари ҳам бу борада очиқ баёнотлар беришмоқда.

Агар ғолиб ҳозирдан маълум бўлса, унда нега бошқа номзодлар енг шимариб сиёсий кураш майдонида беллашишга ҳозирлик кўришмоқда? Хўжакўрсингами? Эҳтимол улар ўзларининг куч ва имкониятларини чамалаб кўрмоқчидирлар? Кузатувчиларнинг фикрлари эса турлича: сайлов зерикарли ўтади, деганлар ҳам бор, аксинча, кураш кескин тус олади, деганлар ҳам бор. Ҳаммасини сайлов кунги жараён ва унинг натижаси кўрсатади. Бироқ бир нарса аниқки, сайловчилар энди номзодларнинг ваъдаларига қараб эмас, балки амалдаги ишларига, яъни шу пайтгача мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳаётида ўзларини қай даражада кўрсата олганликларига қараб овоз беришади.

Гап номзодлар ва уларни қўллаётган сиёсий кучлар ҳақида борар экан, аввало, Владимир Путин ва «Единая Россия» партияси тилга олинади. Путин бу партиядан номзод эмас, у мустақил номзод. Путин икки миллиондан ортиқ сайловчининг имзосини тўплаб топширди. Сайловда «Единая Россия» унинг номзодини қўллайди. Мамлакатда бу партия етакчи сиёсий куч. Давлат думасининг ўзагини ҳам шу партиядан сайланган депутатлар ташкил этади. Сайловда нафақат бу партия вакиллари, балки турли меҳнат жамоалари ҳам Путиннинг номзодини қўллаб-қувватлаш ташаббуслари билан чиқмоқдалар.

Ана шундай номзод билан кимлар рақобатлашмоқчи? Улар анчагина. Агар Россия сиёсий ҳаётида танилганларини айтадиган бўлсак, улар қуйидагилар: Николай Харитонов, Сергей Глазьев, Виктор Геращенко, Ирина Хакамада, Иван Рыбкин, Сергей Миронов... Бошқа яна имзо тўплаётганлар бор. Марказий сайлов комиссияси бу жараёнга ҳали нуқта қўйгани йўқ. Лекин жуда оз вақт қолди.

Коммунистларнинг раҳбари Геннадий Зюганов матбуотга бир неча марта берган баёнотида, президентликка номзод қилиб ёш, серғайрат, истиқболли, сиёсат оламида янги одамни кўрсатамиз, деган эди. Бироқ, кутилмаганда коммунистлар кекса сиёсатчи Николай Харитонов номзодини кўрсатишди. Уни Россияда ҳамма билади. Харитонов кўп йиллар аграрчилар партиясига раҳбарлик қилди. Думага бўлиб ўтган охирги сайловда бу партия, ҳатто, беш фоизлик тўсиқдан ҳам ошиб ўтолмади. Кузатувчиларнинг фикрича, коммунистлар сайловда мақсадга эриша олмасликларига ишонч ҳосил қилганликларидан кейин таваккал қилиб шу номзодни кўрсатиб қўя қолишган.

Шундай масъулиятли даврда СПСчилар сафида келишмовчилик юз берди. Борис Немцов партия етакчиси сифатида Ирина Хакамада номзодини кўрсатган эди. Бироқ, Анатолий Чубайс бу номзодни маъқулламаяпти. Партиянинг яқинда бўлиб ўтган съездида бундай қарама-қаршилик яққол сезилди. Ирина Хакамаданинг ўзи эса президентлик учун кураш режасидан қайтиш ниятида эмас. У обрў орттириш ва ишонч қозониш учун кураш бошлар экан, асосий эътиборни ҳукуматни танқид қилишга қаратмоқда. Ҳатто, «Норд-Ост»да юз берган фожиа учун ҳукуматни айблаб баёнот берди. Бундан кўпчилик норози бўлди. Айрим сиёсатчилар, маданият арбоблари матбуотда уни қоралаб чиқишди. СПСчилар съездида эса сайловда Ирина Хакамадани қўллаб-қувватламаслик тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунда ҳам номзод сайлов пойгасидан четлашмоқчи эмас.

«Родина» блокида вазият яна ҳам жиддий. Ички ўзаро келишмовчилик туфайли бир пайтнинг ўзида ҳар эҳтимолга қарши икита номзод кўрсатилди. «Родина» сиёсий блоки ҳамраисларидан бири Сергей Глазьев мустақил равишда ўзини ўзи кўрсатди ва шунга яраша имзо тўплади. Глазьев барча халқпарвар ва ватанпарвар кучларни бир мақсад йўлида бирлашиб, сайловда уюшқоқлик кўрсатишга даъват этиб турган бир пайтда, «Родина» блокининг Олий кенгаши якдиллик билан Виктор Геращенко номзодини кўрсатди. Бироқ, марказий сайлов комиссияси икки миллиондан ортиқ имзо тўпламагани учун ҳозирча уни рўйхатга олмади. «Родина» блоки ҳамраиси Дмитрий Рогозин бунга ўз норозилигини шундай баён қилди: «Биз Виктор Геращенкони қўллаб-қувватлайдиган икки миллион имзони муваффақият билан тўплашимиз мумкин эди. Бироқ, бунга зарурат йўқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, унинг номзодини тавсия этаётган бизнинг партия имзо тўплашдан озод қилинган». Бироқ, Марказий сайлов комиссияси рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиб қўйган. Геращенко эса Олий судга мурожаат этиш ниятида.

Президент сайловида қатнашмоқчи бўлаётганлар сафида бир пайтлар Россия сиёсий ҳаётида жавлон урган ва раҳбарлик лавозимларида ишлаган Иван Рыбкин ҳам бор. У ҳозир Россия сиёсий ҳаётида ҳали ўзини кўрсата олмаган «Либеральная Россия» партиясининг ҳамраиси. Рыбкин гўё сайловда ғолиб чиқадигандай, ҳозирдан кимни қайси лавозимга тайинлаши ҳақида баёнотлар беряпти. Бошқа номзодлар ҳам қизғин имзо тўплашга киришиб кетишди. Чунки, вақт тиғиз. Улгурмаган армонда қолади.

**Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи.**

# ОБ-ҲАВО НОҚУЛАЙЛИГИ БОИС

АҚШ шарқида бир неча кундан бери ноқулай об-ҳаво ҳукм сурмоқда. Кучли циклон «ташрифи» боис жуда кўп қор ва музли ёмғир — дўл ёғди. Йўлларда юз берган автоҳалокатлар сабабли икки кунда 35 киши ҳаётдан кўз юмди.

Энг кучли қорбўрони Миннесотада кузатилмоқда. Айрим ҳудудларда мактаблар ёпилди, айрим муассасаларда иш тўхтатилди.



Associated Press агентлигининг хабар беришича, Атлантадаги (Жоржия штати) Delta Air Lines авиакомпанияси 300 та парвозни бекор қилди. Детройтда (Мичиган штати) 26 та парвоз қолдирилди.

# ТЎЛОВНИ КАМАЙТИРМОҚЧИ

Япония БМТ бюджети учун тўланадиган бадал пулини 2006 йилдан эътиборан қисқартирмоқчи. Япония Молия вазирлигидан Associated Press агентлигига маълум қилишларича, бундай қарор молиявий етишмовчилик сабабли қабул қилинган.



Тўлов қанча миқдорга камайтирилади, буниси ҳозирча номаълум. Мамлакат бош вазири Дзюнитиро Коидзуми ёрдамчиси раҳбарлигидаги ҳукумат комиссияси ўтган йил ноябрда тўловни 770 миллион долларгача камайтириш борасида БМТга мурожаат этган эди.

Япония апрелдан бошланадиган 2004 молиявий йил учун БМТга 1,24 миллиард доллар бадал тўлайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, БМТ бюджетида энг кўп улуш АҚШга тўғри келади, яъни 22 фоиз. Япония амалга ошираётган тўлов эса БМТ бюджетининг 19 фоизини ташкил этади.

Кузатувчи-мутахассисларнинг айтишларича, Япония тўловни камайтириш талаби орқали БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолигига эришишга интилмоқда.

# БИРИНЧИ САЁҲАТИНИ ЯКУНЛАДИ

Бундан 2 ҳафта аввал, аниқроғи, 12 январь куни дунёдаги энг улкан ва энг чиройли кема — Queen Mary — 2 («Мэри қироличаси») Буюк Британиянинг Саутгемптон портидан саёҳатга отлангани ҳақида кўпгина оммавий ахборот воситаларида хабарлар босилган эди. Бортига 2600 нафар саёҳат ишқибозини сиғдирган бу кема яқинда Атлантика океани бўйлаб биринчи саёҳатини якунлади ва АҚШнинг шарқий қирғоғи — Флорида штатидаги Форт-Лодердейл портига етиб борди.

Қизиғи шундаки, мазкур кемада саёҳатнинг чипта баҳоси 2,800 доллардан 37,499 долларгача кўтарилди. Шундай бўлса-да, деярли барча чипталар сотилган.

Энди эса кема командирлари Саутгемптон — Нью-Йорк йўналиши бўйлаб иккинчи саёҳатга отланишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Саёҳат апрелга мўлжалланмоқда. Кейинчалик у Кариб денгизи, Багам ороллари, Шимолий Америка портлари, Европа ва Ўрта ер денгизига ҳам бориши режалаштирилган.

Бу улкан кема ҳақида тўхталадиган бўлсак, у Франция кемасозлик корхонасида 2 йил давомида қурилган. 150 минг тонна сув сиғимига эга. Кема узунлиги 345 метр, эни эса 41, баландлиги 74 метр. Экипажининг ўзи 1 минг 250 кишини ташкил этади. 17 палубалик бу осмонўпар кемада 800 та каюта, минг ўринлик театр, балл ўтказиладиган зал, ўнлаб ресторан, 5 та бассейн, осмон жисмларини кўрсатувчи махсус хона, казино, спорт заллари ва ҳатто болалар боғчаси ҳам бор.

Кемани пардозлаш ишларининг ўзига 4 миллион евро сарфланган.

**Биз билган ва билмаган тарих**

**Тарих — тилсимот. Улуғ аждодларимиз ўтмишига у ёки бу тарздаги онгли муносабатимиз улар кечмишининг бизга қоронғи бўлган айрим қирраларини кашф қилишига туртки беради. Улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида шундай ёзувлар бор: «Ушбу тарихқача Темурбекнинг авлодини бовужуди салтанат мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдимким, мени подшоҳ дегайлар».**

**Хўш, Бобурнинг бундай қарорга келишига нима сабаб бўлган? Нега унинг хаёлига подшоҳлик унвонини ўзига муносиб кўриш келди? Бу бир қараганда табиийдек, аммо тарихий мураккаблик замирида вужудга келган, давр тақозоси билан бугунга келиб исботталаб бўлган бу воқеликнинг моҳиятини очиш, унга илмий жиҳатдан равшанлик киритишга эҳтиёж туғилмоқда.**

# БОБУР НЕГА ЎЗИНИ ПОДШОҲ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛГАН?



Дастлаб тарихга юзлансак, ўша даврда, яъни 1509-10 йилларда Бобур энди 26 ёшга тўлган эди. Лекин ёш бўлишига қарамасдан унинг бошига тақдирнинг мураккаб синовлари тушган, бир неча суронли жангларни кўриб, иродали ва ёшига хос бўлмаган жиддий кишига айланганди. У отаси Умаршайх Мирзодан қолган салтанатни сақлаб қолиш учун Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ғанимлари — Аҳмад Танбал, Хисравшоҳ, Шайбонийхон ва бошқа беклар билан шиддатли жанглар олиб боргани, иғво ва сотқинликларнинг аччиқ аламини тотиб чиниққан, ҳаётга тик боқувчан шахс бўлганини қадимий битиклар, тарихчиларнинг ёзиб қолдирган ёдномаларидан, қолаверса, «Бобурнома» орқали англашимиз мумкин.

Заҳириддин Бобурнинг ягона мақсади — темурий шаҳзодаларнинг бошини бир ерга қовуштириб, Амир Темурнинг улкан империясини қайта тиклаш, майда султонликларга барҳам бериб, яхлит давлат барпо этиш эди. У қанчалик ҳаракат қилмасин Мовароуннаҳр ва Хуросонда бу орзусига эриша олмайди — ўша пайтдаги мавжуд тарихий шароит бунга имкон бермайди. Бобур темурийзодаларнинг йиғинларида бу хонадон учун катта хавф мавжудлиги, унинг таназзулига кўз тикиб турган кучлар бор эканлиги ва унга қарши курашда ўзаро бирлашишга чорлайди. Бироқ шаҳзодалардан жўяли бир ҳаракат кўринмайди. Ҳусайн Бойқаронинг вафотидан кейин (1506 йил) Бадиуззамон Мирзо таклифи билан Ҳиротга келган Бобур яна кучларни бирлаштириш зарурлигини тилга олади. Аммо айрим шаҳзодалар ўз ҳудуди манфаатини кўзлаб жой-жойларига қайтишади. Бобур Ҳирот, алалхусус Хуросондай сиёсий тарқоқ ҳудудда туриш бефойда эканлигини англаб, Кобулга кетади.

Бобур «қалин ўлжа ва мол, улуғ обрў ва номус била Кобулға келилди» дер экан, бу сафардан унинг жуда мамнунлиги билинади.

Бундай қараганда Бобур ана шу шуҳратига ишониб, атрофига куч йиғиб ғанимларига қарши бориши мумкин эди. Аммо бундай қилмайди. «Бир мен Кобулда қолиб эдим. Душман бисёр қавий, биз кўп заиф, не маслаҳат қилмоққа эҳтимол, не муқовамат қилмоққа мажол. Мунча қувват ва қудрат. Ўзимизға бир ер фикрини қилғуликдур ва бу миқдор фуржа ва фурсатта қавий душмандин йироқроқ айрилғулуқтур, ё Бадахшон жониби, ё Ҳиндустон сори жазм қилмоқ керак».

Бироқ, кам сонли қўшин билан қолган бўлса-да, темурийзодалар орасида ёлғиз Бобур душманга қарши кураша оларди. Демак, унинг фикрича, темурийзодалардан биронтасининг ўша даврдаги сиёсий чигал шароитда подшоҳлик унвонига даъво қилишга на маънан, на сиёсий ҳоли қолмаган. Бобур ҳеч вақт, масалан, Ҳусайн Бойқаронинг ҳаётлик даврида ҳам бу фикрга бормаган. Унинг сиёсий жиҳатдан етилган вазиятни кутгани аён. Бу, Бобурнинг подшоҳ унвонини олишининг биринчи сабаби. Иккинчи сабаб қуйидаги сиёсий-ижтимоий воқеалар негизида вужудга келган, дея тахмин қилиш мумкин.

Айтиб ўтганимиздек, Бобурнинг сиёсий қарашлари ягона марказлашган давлатни бошқаришдан иборат бўлган ва у бир умр унга содиқ қолган. У хоҳ Мовароуннаҳр, хоҳ Хуросонда бўлмасин, майда султонликлар, кичик феодал бошқарувларга қарши турган, бутун ҳарбий салоҳиятини уларни бирлаштиришга сарфлаган. Шу боис, Кобулда муқим эмаслигига қарамасдан, Амир Темур тасарруфида бўлган ўлкаларни қайта забт этиш ва ягона ҳукумронлик тузишни астойдил ўйлайди. Ўзаро юришлар, Хуросонда Ҳусайн Бойқаро ва шаҳзодаларнинг шикаст топиши Бобурга бу ўлкалардан ҳозирча умид қилмаслик сабрини берган эди. У Бадахшонга боришни ҳам маъқул кўрмайди. Негаки бу пайтда у ерда ҳам вазият беқарор эди.

Тўғри, Бобур Кобулдаги ҳарбий кучи билан Бадахшонга қўшин тортиши ва ғалабага эришишига ишонган бўлиши мумкин. Аммо, Бадахшон ва Мовароуннаҳрдаги шаҳзодаларнинг жанглардаги тактикаси, кўпинча ўзидан кучли бўлган темурийзодага ён беравермаслигини яхши билган Бобур Бадахшонга боришни маъқул кўрмайди. Шунинг учун, у «мен ва баъзи ички беклар Ҳиндустон тарафи бормоқни таржиҳ қилиб, Ламғонға мутаважжиҳ бўлдик» дейди.

Бизнингча, Бобурнинг узил-кесил Ҳиндистонни танлагани билан подшоҳ унвонини айнан шу вақтда ўзига муносиб кўрганининг ўртасида мантиқий асос бор. У Ҳиндистонга юришдан олдин бу ўлкани обдон ўрганган. Айниқса, унинг табиати, географик жойлашуви, иқлими, халқининг урф-одати билан бир қаторда мавжуд давлатчилик тузуми, бошқа халқлар ўртасидаги муносабати, бойлиги, ҳукмдор ва раиятнинг ўзаро жипслиги, қолаверса, диний эътиқодини чуқур ўрганиб таҳлил қилади.

Бобур Ҳиндистондаги давлатчилик сиёсати, унинг сир-асрорларини ҳам обдон ўрганади. Зарур маълумотларни йиғишда унга бошқа йўллар қатори разведка хизмати ҳам қўл келган. У Ҳиндистон подшоҳи Иброҳим Лўдийнинг устидан ғалабага эришишида синчковлиги айниқса асқотади. Бобур ҳинд халқи ўз подшоҳига ўта содиқлигини, фуқаро унинг амридан чиқмаслигини, ҳатто кимни подшоҳ этиб тайинласалар унга сўзсиз бўйсунишлари мумкинлигини билиб, зимдан иш юритади. Бунда Бобур жуда юксак ақл-заковат ишлатади. Агар у Ҳиндистонга султон ёки мирзо унвони билан кириб борса, уни ҳинд халқи ўзининг подшоҳи сифатида тан олмаслиги мумкин эди.

Шу боис, Ҳиндистонга юришдан олдин Бобур ўзига подшоҳ унвонини олган, бу юртда ҳукмрон бўлиш орзуси унда олдиндан бўлган бўлса-да, уни амалга татбиқ этиш пайти шу вақтга тўғри келган: «...бешинчи Бангалия вилоятида Нусратшоҳ эди. Мунга салтанат мерос тегиб эди. Ажаб расмедур, Бангалада салтанат мероси камроқ бўлур. Подшоҳининг бир муайян тахти бор. Умаро ва вузаро ва соҳиб мансабларнинг ҳар қайсининг бир муқаррарий ери бордур. Бангала эли қошида ул тахт ва ерлар мўътабардур. Ҳар қайси ерда тобиъ ва мутиъ навкар ва чокар ва жамъи муайян ва муқаррардур. Подшоҳнинг насб ва азли хотири тиласа ҳар кимнинг бировнинг ерига ўлтургузди, ул ерга тобиъ ва мутиъ навкар ва чокар тамом бу кишининг бўлур, балки подшоҳининг тахтида ҳам бу хосияттур. Ҳар ким подшоҳини ўлтуруб, тахтға чиққунча фурсат топса, ул подшоҳ бўлур. Умаро ва вузаро ва сипоҳий ва раият барча анга итоат ва инқиёд қилурлар. Буруниғи подшоҳидек подшоҳ ва фармонраво билурлар. Бангала элининг сўзи будирким, биз тахт ҳалолхўридурбиз. Ҳар ким бу тахт устида бўлса, биз анга мутиъ ва мунқоддурбиз».

Бу, бизнингча, Бобурнинг подшоҳ унвонини олишининг асосий сабаби бўлса ажабмас.

Шарқшунос Л.П.Шарма ўзининг «Бобурийлар салтанати» китобида қуйидагиларни билдирадики, улар бизнинг қарашларимизга ҳамоҳангдир: «Мамлакатга якка ҳукмронлик қилиш услуби ҳиндларга ҳам яқин бўлган ва шоҳнинг улуғворлигига улар жуда катта эътиқод қилган».

Лекин, нима бўлмасин Заҳириддин Бобур Ҳиндистонда йирик марказлашган давлат барпо этди. Агарчи, унинг вафотидан кейин фарзандларининг номуросасизлиги давлат яхлитлигига путур етказган бўлса ҳам, кейинчалик Бобурнинг набираси Акбаршоҳ унинг армонларини рўёбга чиқариб, узоқ муддат Ҳиндистонда мустаҳкам империяга бош бўлди. Бобур агарчи ўзига подшоҳлик унвонини муносиб кўрган бўлса ҳам, подшоҳ сифатида набираси жуда улкан ишларни амалга оширди.

Шундай қилиб, «Бобурнома» асарида **«ушбу навбат буюрдимким, мени подшоҳ дегайлар»** деган фикри, бизнингча, ўша пайтдаги тарихий шароит ва мавжуд тузум талабларидан келиб чиқиб амалга оширилган бўлиши мумкин. Бу биргина жумлада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётининг қувонч ва ташвишли онлари, орзуларга тўла юрагининг чексиз бедорлиги акс этган. Бу ҳам тарихимизнинг бир саҳифасидир.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори**

**Болалар спорти**



**Дўстлик туманида болалар спортини ривожлантириш ва янада оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят каратэ федерацияси ҳам айнан шу туманда фаолият кўрсатаётир. Айни пайтда тумандаги тўгаракларда 350 нафардан зиёд ўғил-қиз машғулотларда фаол иштирок этмоқда. Улар яқинда Жиззах шаҳрида афғон жангчилари хотирасига бағишлаб ўтказилган мусобақада муносиб қатнашиб, умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгалладилар.**

**— Соғлом танда — соғ ақл, дейишади. Фарзандларимиз қанчалик соғлом, кучли ва билимдон бўлсалар, юртимизнинг эртаси шунчалар нурафшон бўлади, — дейди катта мураббий, қора белбоғ соҳиби Учқун Сафаров.**

**Суратда:** Учқун Сафаров ўз шогирдлари билан

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

**Интер-спорт**

## ПОРАХЎРЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Сеул шаҳрида Халқаро олимпия қўмитасининг вице-президенти Ким Ун Юн ҳибсга олинди. У порахўрлик ва молиявий хатоликлар бўйича айбланмоқда. Маълум бўлишича, Ким Ун Юн Бутун жаҳон таэквандо федерациясининг оз эмас-кўп эмас 3,34 миллион доллар маблағини беҳуда сарфлаб юборган. Шу йил бошида Ким Ун Юн мазкур федерациянинг нуфузли раҳбарларидан бири сифатида фаолият кўрсатаётган эди. У Жанубий Кореянинг эътиборли спорт раҳбарларидан саналади. Унинг иштироки ва ҳаракатлари билан Суел шаҳри 1988 йили ёзги олимпия ўйинларини ўтказиб бериш ҳуқуқини қўлга киритган. 2000 йили эса спортнинг таэквандо тури Олимпия ўйинлари сирасига киритилган. 2001 йили эса Ким Ун Юн Халқаро олимпия қўмитаси президентлигига даъвогарлик қилиб, овоз олишда фақат Жак Роггега бироз ютқазган эди.

## ЖАНГ МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛДИ

Бокс бўйича биринчи ўрта вазндаги жаҳон мутлақ чемпиони Константин Цзю Халқаро бокс федерациясига ўзининг жароҳат олганлиги ҳақидаги ҳужжатларини йўллади. Бу ҳужжатлар унинг IBF йўналиши бўйича чемпионлик унвонини сақлаш муддатини кечиктиришга имкон беради. IBF президенти Мэриан Муҳаммад эса Константин ҳақида илиқ сўзларни айтмоқда: «Костя буюк боксчи. Унинг чемпионлик унвонини сақлаб қолиши учун қилинаётган ҳар қандай саъй-ҳаракатлар арзигулик деб ўйлайман. Дарвоқе, у жароҳатланган экан мавқеини сақлашга имкон бериш жоиз. Цзю бир неча йил аввал IBF чемпиони бўлган. Кейин бу унвонни йўқотган, сўнг яна қўлга киритган, ҳозир жаҳоннинг мутлақ чемпиони саналади». IBF Цзюга учрашув муддатини кечиктиришга розилик билдирди. Чемпионлик унвонини кейинчалик ҳимоя қилади. Аммо мазкур ташкилотнинг баъзи раҳбарлари бунга рози бўлишмаяпти. Боиси, Цзю мана 12 ойдирки, рингга кўтарилмаган. Агар унинг чап елкасидаги жароҳати ҳисобга олинса, яна бир йилча жанг қилмаслиги мумкин экан. 7 февраль куни Москвада Цзю учрашиши лозим бўлган Шармб Митчелл Атлантик-Сити шаҳрида Омар Вейс билан учрашадиган бўлди.

**Ҳикматли сўзлар маъноси**

## МАНМАНЛИКНИ НЕТАРСАН, ОБРЎЙИНГДАН КЕТАРСАН

Инсониятнинг энг ёмон иллатларидан бири — такаббурлик, кибру ҳавога берилиш, манманликдир. Халқ ўзининг бир қатор мақоллари билан кишини бундан қайтаради, бу иллатнинг оқибати ёмон бўлишини уқтиради: «Манманлик — худо урганлик»; «Манманлик шайтонга ярашур»; «Манманлигинг туққан онангга ҳам ёқмайди»; «Манманга — бало, югурукка — тўмор» (тўмор — томир, илдиз (саксовул илдизи), тўнка. Бу мақол билан: «Манман одам бир кунмас бир кун тилидан «қоқилиб» бир балога йўлиқади. Югурук от югуруклигига ишониб чопаверади-ю, лекин барибир бир кунмас бир кун бирор тўнкага қоқилиб йиқилади», дейилмоқчи.) «Манманга завол бор, олғирга — чуқур» (Бу билан: «Олғир, яъни бировнинг, жамоатнинг, давлатнинг пулини, мол-мулкини юлиб, талаб олувчи юлғич одам ахири бир кун қўлга тушиб, жазосини тортиши; манман одам эса завол топиши, яъни маҳв бўлиши, ҳалокатга юз тутиши, талофат кўриши муқаррар», дейилмоқчи), «Камтарга — камол, манманга — завол».

## МАСЖИДИНГ УЗОҚ БЎЛСА ҲАМ, МОЗОРИНГ ЯҚИН БЎЛСИН

Бу мақолни: «Масжидга ҳафтада бир — намозжумага, йилда икки — ҳайит-намозга борасан. Шунинг учун масжид узоқ бўлса ҳам, унчалик зиёни йўқ. Аммо, мозоринг узоқ бўлса, ўлганингда дафн этувчиларга (бирига бўлмаса, бирига) малол келиши мумкин», деган маънода айтганлар. Чин инсон: «Ҳаётлик давримдагина эмас, ҳатто ўлганимдан кейин ҳам мендан одамларга малол келарлик иш қолмасин», деб ўйлайди ва шунга яраша иш кўрадики, буни юқоридаги мақолнинг мазмунини тасдиқ этади.

**Йўл ҳаракати хавфсизлиги**

# ҲУШЁР БЎЛИНГ, ПИЁДА!

## ЎТГАН ЙИЛИ МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДИДА ПИЁДАЛАР ИШТИРОКИДА 5674 ТА ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ СОДИР БЎЛДИ. ОҚИБАТДА...

Республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасига келаётган маълумотлар ва кундалик содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, пиёдалар иштирокида юз бераётган турли кўнгилсизликларнинг сони камаяётгани йўқ. Ўтган йил мобайнида республикамиз ҳудудида бевосита пиёдалар иштирокида 5674 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Бунинг оқибатида 1049 нафар пиёда ҳаётдан кўз юмди. 4981 нафар пиёда эса турли даражадаги тан жароҳатлари олишди.

Пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида ер ости йўллари қурилган. Афсуски пиёдаларимиз бундай қулайликдан деярли фойдаланишмаяпти. Тошкент шаҳрининг «Чорсу» меҳмонхонаси жойлашган Беруний кўчасида пиёдалар билан боғлиқ қоидабузарликларнинг олдини олиш юзасидан махсус тадбир ўтказганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда пиёдалар учун бир эмас, бир неча жойда махсус ер ости ўтиш жойлари барпо этилган бўлишига қарамасдан муттасил равишда қоидабузарлик қилиб йўлнинг автомобиллар юриши учун мўлжалланган қатнов қисмидан кесиб ўтишади. Бундай ҳолат уларнинг ҳаётларига хавф туғдириши билан биргаликда ҳайдовчиларга ҳам ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Биз қоидабузарликка йўл қўйган бир неча пиёдани суҳбатга тортдик.

— Кечирасиз, нима учун кўчанинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтаяпсиз?

— Белгиланган жойи қаерда экан? — саволимизга савол билан жавоб қайтарди ўзини Одилжон Тўлаганов, деб таништирган йигит. — Мен ҳар доим шу ердан ўтаман...

— Мана бу йўл белгиси нимани англатишини биласизми? — сўраймиз ундан пиёдаларнинг ер ости ўтиш жойини билдирувчи белгини кўрсатиб.

— Биламан, — деди у белгига қараб. — Пиёдалар юрадиган жойни билдиради.

— Билсангиз, нима учун унинг талабларини бажармаяпсиз?

— Ким билади, дейсиз, — деди у бир оз хижолат бўлиб, — шу, ўрганиб қолганмиз, шекилли ёки бепарволикми, узр, бошқа қайтарилмайди...

Қизчаси билан келаётган яна бир пиёдага мурожаат қилдик.

— Мен, Рауф Аҳмаджоновман.

— Рауфжон, нима учун «Йўл ҳаракати қоидалари»ни бузаяпсиз?

— Шошиб тургандим...

— Ёнингизда қизчангиз ҳам бор экан, бирор кор-ҳол бўлса, нима бўлади? Сиз бу ҳаракатингиз билан болага қандай ўрнак кўрсатаётганлигингизни ўйлаб кўрмадингизми?

— Кечирасиз, бошқа бундай қилмайман...

«Чилонзор буюм бозори»даги ҳолат ҳам кишини ҳайратга солади. Бу ерда пиёдалар тартибли ҳаракат қилсин, транспортлар ҳаракатига халал бермасин, дея йўл четига баланд панжаралар ўрнатилди. Лекин, пиёдалар ана шу панжаралар устидан ҳам ошиб ўтишмоқда.

Ачинарлиси шуки, катталар йўл қўяётган хатолар болаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Улар катталарнинг хатоларини айнан такрорлашмоқда. Ахир катта арава қайси йўлдан юрса, кичиги ҳам шу йўлдан юради, деб бежиз айтилмаган-да!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ пиёдалар иштирокида бундай аянчли воқеаларнинг кўплаб содир бўлаётганлигини эътиборга олиб, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, автокорхоналарда, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида кенг кўламдаги тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мақсад битта: инсонларнинг ҳаётини асраш, инсонни ўз қўли ва ақл-идроки билан яратган, ўзининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш учун мўлжалланган транспортлар ғилдираклари остида ҳаётдан бевақт кўз юмишига йўл қўймаслик.

**Зариф ЎСАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ инспектори, милиция катта лейтенанти.**

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани 215-ўрта мактаб томонидан 2002 йилда Абдуллаев Хуршид номига берилган O'R-I № 0037038 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази жамоаси марказ ходими Малика Фарҳодовна Камоловага отаси

**Фарҳод Зоҳидович КАМОЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси Марказий аппарат ходими Х.Б.Далимовага волидаи муҳтарамаси

**Зулфия МАДИЕВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси театрнинг адабий бўлим бошлиғи Усмон Азимга қайнонаси

**САНАМХОН ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
**Bardambek SA`DULLAYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
**Ikromjon ISMOILOV**
**Elyor UBAYDULLAYEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 266
**12354 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали

*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi —*
1 2 3 4 5

**SOTUVDA ERKIN NARXDA**